Муаллиф:
13.03.2014 23:57 -

БУХОРО ВАЗИРИ НАСРУЛЛОХБЕЙ ПАРВОНАЧИ АФАНДИ ХАЗРАТЛАРИНА ОЧИК МАКТУБ[1]

(Эй Вазоратпанох[2], биз тартиботи жадидага мухтожмиз)

Аникдирки, хеч кайси миллат хеч бир замонда бизда бўлганидек юрти хароблик, халки фалокат, аёнлари пасткашлик, идора ахли фасод, золимларнинг кон сўриши, ажнабийлар калакалари, истикболининг мушкуллиги каби иллатларга мубтало бўлмаган! Бутун мамлакат ва миллатни шу ахволга келтириб кўйдикки, дунёдаги энг кийин ва ташвишли кунларда яшаётган одамлар хам бизнинг ахволимизга маъюс тортиб, кон йигламокдалар. Хар канча кўз ва кулокларингизни беркитиб олсангиз хам бу кадимги ислом миллатининг фарёди ва бу мукаддас мамлакатимизнинг хароблигига ачинмай туролмайсиз. Лекин бу жимгина ачинишдан не фойда? Бу кетма-кет келаётган мусибатлараро Сиз каби комил шахснинг харакатсиз ачиниши ва сукут холати качонгача давом этади? Бу кун мазлум ислом миллатининг энг ойдин фикрли зиёлилари жахолат ва гафлатнинг икки отига миниб ўз камситилишининг пайини киркиш учун чопмокдалар. Мукаддас ва мехрибон она ватанимизнинг ўз хакини таниган фарзандлари зулм темир панжасидан тортиб уни фано сахросига[3] томон тортмокда. Бу кун залолат ва гумрохлик занжирининг асири бўлган бизнинг холимизга Хазрати Раббъ ул-иззатнинг[4] рахми бўлиб юборилган Сизсиз ва бизнинг тождор олий хазрат падари мехрибонимизни[5] хозирги ва келгуси мушкулликлардан Сизгина хабардор эта оласизки, (амир) бизнинг ишларимизни назоратига Сизни жалб этган. Яъни Хазрати Холикнинг карами ва адолатпарвар подшохимизнинг лутфи Сизни нафакат бу умри паришон ва истибдодпеша бўриларга ўлжа бўлиб, кўрувчисиз колган кўйларга мехрибон чўпонликка эмас, балки уларнинг ишларини танзим килиш[6], тартибга солиш учун юборгандир. Биз Сизнинг ишга тайинланган кунингизни ўз хаётимизнинг мукаддимаси деб билдик ва ишга маъмур бўлиб киришган кунингизни ўз миллий байрамларимиздек нишонладик. Таассуфки, бугунга кадар интизор кўзларимизни канчалар тикмайлик, истикболимизнинг саодати учун ташаббус бўладиган бирор ишни Сиздан кўрмадик.

Эй, мехрибон она Ватаннинг баркамол фарзанди!

Эй, Бухоро эзилган миллатининг бесабот тарафдори! Сиз умр бўйи ўзининг ноз ва тантаналарга бой огушида Сизни тарбиялаган азиз ва мукаддас ватанингизнинг ишларини хароблик ва паришонликнинг кора кунларига улоктириб кўйиб, унинг остидан ўт ёкиб келаётган балоларга мубтало килиб, нега жим ўтирибсиз?! Хамиша хак динимиз ва шаръий Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг адолатлари соясида тинчлик ўрнатиб келинган ватанимиз кимсасизми ё хароб холдами колди! Минг хил хавфу хатарларга дучор бўлди! Соатма-соат Сизга умидвор тикилган кўзларимиз юмилмокда. Сиздан ёрдам ва нажот амалларини кутишдан толмокда. Сиз нега жим ўтирибсиз? Шу мазлум ислом умматининг умиди, хаётимизнинг баракоти Сизнинг сайъ-харакатингиз ва химматингиздир. Бу бахтсиз ислом миллатининг хизмати ва мукаддас шаръий Динимизнинг мустахкамланиши, албатта, Сиздан лозимдир. Бу мукаддас хизмат йўлида бир дам бўлсин сусткашлик килишга Сизнинг хаккингиз йўк! Сўзингизнинг нуфузи ва

улугвор таъсири бўлгани холда бу куффрони неъмат хабаридан ожизлигингизнинг маъноси нима? Нима сабабдандирки, сиз ўзингиздан лозим хизматларни ошкор, очик килмайсиз? Турли фиркалар орасида улуг ишларнинг ташаббускори бўлаётган ўша химмат арбобларининг Сиздан не устунлиги бор? Не монеълик борки, тартиботи жадида воситаси билан миллий саодатимизнинг янги истикболли йўлларини очиб, кадримиз ва такдиримизни аъло даражада шарафлай олмайсиз? Бир зоти комилнинг хакки учун Ватанимиз хамдўст ва хамдин кишиларга тўла бўлса канчалар савоб?! Бир миллатнинг хаёти учун кайгуруб, Аллохнинг фазлу карамига сабаб бўлмокдан кайси шухрат ортикрокдир? Раият орасида Сизга нисбатан ихлос ва мухаббат бор, бу Яратганнинг карамидирки, Сизни фавкулодда нуфуз сохиби килиб бошимизга юборди. Олий хазрат тождор падари бузрукворимиз, адолатпарвар подшохимиз бизни тарбият ва танзим[7] этмак амрини Сизга берган. Не тўсикки, Сизни бу мукаддас хизматдан кайтарсин?! Магар бошкалар гафлатда колган бўлсалар, Сизда гафлат килманг. Бошкалар гафлатининг ташвиши Сизнинг гафлатингизчалик бўлмайди. Наувзибиллох[8], бундай мукаддас вазифани бажаришда сусткашлик килсангиз эртага интиком олгучи Аллохнинг хузурида нима деб жавоб берасиз?!

Нуширавон[9] намўрд ки номи неку гўзошт (Нуширавон ўлмади, чунки яхши ном колдирди).

[1] Фитратнинг бу мактуби илк бор 1910 йили Истанбулда чикадиган «Таъруфи муслимин» («Мусулмонлар таърифлари») номли «диний, сиёсий, тарихий, фалсафий ва ахволи олам»дан бахс килувчи хафталик мажалла сахифаларида, (1328/1910 йил, 25-адад, 2-жилд; 8 декабр, пайшанба) эълон килинган. Мактуб Амир Олимхон Бухоро тахтига ўтиргандан кейин Насруллох Парвоначининг бош вазир лавозимига тайинланиши муносабати билан ёзилган. Фитратнинг Истанбулда чоп этилган илк асарлари каби бу мактуб хам форс тилида битилган. Гарчи мажалла турк тилида чикиб турган бўлса хам Фитратнинг бу мактубини айни холда, яъни форс тилида чоп этган. Асар форс тилидан таржима килиниб, эълон килиняпти. Дастлаб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг 1996 йил 9 май сонида эълон килинган (мутаржим Х. Болтабоев).

Фитратнинг бошка жадидчилик рухига хамоханг бўлган бу мактуб улуг адибимиз салохиятининг янги кирраларидан китобхонни хабардор этади деб ишонамиз.

[2] вазоратпанох — вазирларни панохига олган. Бу ерда: бош вазир лавозими.

[3] фано сахроси — йўклик гирдоби.

[4] Хазрати Рабъу-л-иззат — Аллохнинг сифатларидан бири билан унинг муборак номи тилга олиняпти.

[5] Падари мехрибонимиз — Бухоро тахтига янгигина чиккан Амир Олимхон назарда тутилади.

[6] танзим килиш — низомга, тартибга солиш.

[7] тарбият ва танзим — тарбия ва тартиб.

[8] Наузибиллох — Аллохдан панох сўрамок.

[9] Нуширавон ёки Ануширвон — машхур Эрон (сосоний) хукмдорларидан бўлиб, истибдодпеша саркардалар орасида факат яхши ном бидан, яъни адолатли подшох сифатида тарихда колганига ишора.